

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида вилоятимиз сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нуткида И.А.Каримов Андижон ва унинг тарихига тўхталиб: “Бу юрт ўзининг қадимий ва суронли ўтмиши давомида не-не синов ва машаққатларни кўрмаган. Лекин ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ўзининг қуч-қудрати, эртанги кунга бўлган ишончини намоён этиб, барча синовлардан мардона ўтганлигини кўпдан-кўп мисолларда кўриш мумкин” [1],- деган эдилар. Бутун Ўрта Осиёда қоризмга қарши кўтарилган 1916 йилги кўзголов андижонликлар учун катта синов ва сабоқ бўлган. Улар бу кўзголовда фаол иштирок этиб, фронт ортидаги ишларга Туркистондан олинган 124 минг мардикорлар орасида биринчилардан бўлиб ўша бегона юртларда кўзголов кўтарганлар. Тўғри, бу мавзу тарихшунослигимизда анча пухта тадқиқ қилинган [2,3,4,5,6,7]. Айниқса, Ж.Исмоиловнинг тадқиқотида [8] Фарғона водийсидаги, жумладан, Андижон уездидаги кўзголов ва мардикорликка сафарбар қилиш ҳақида бирламчи манбалар асосида батафсил сўз юритилган. Шунга қарамайдан, мазкур мавзунинг айрим қирралари ўз аксини топмаган.

Император Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоатлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш” ҳақидаги фармонида Туркистон ўлкасидаги рус бўлмаган 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган жами 250 минг эркакни фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиш кўзда тутилган.

Фармонга кўра Фарғонага 50 минг, Андижон уездига 10 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Бу шум хабар бутун Туркистон ўлкасида бўлганидек, Андижон халқини ҳам газабга келтирди. Бу газаб-нафрат кўзголовга айланди. Фарғона водийсининг 17 жойида аҳоли ҳарбий қисмлар билан тўқнашди. 9 июль куни Андижонда ҳам одамлар кўзгалди. Эски шаҳардаги Жомеъ масжиди майдонида бошланган галаён Скобелев (ҳозирда Навоий проспекти) номи катта кўча орқали йўл олади. Улар Гултепа майдонида уезд бошлиғи Ю.А. Бржезицкий билан учрашади. Бу ҳақда Ю.А.Бржезицкий юқорига юборган ахборотида шундай деб ёзган: “Бугун жомеъ масжидида императорнинг Олий фармони аҳолига эълон қилдим ва тушунтирдим. Аммо мадрасанинг ёш ўқувчилари “Мардикорликка бормаимиз”, деб бақирди. Улар бу ҳаракатлари билан оломонни кўзгатиб юбордилар. Менинг тинчланишлар, деган сўровим таъсир этмай, оломон бақиршни давом эттирди. Аввал мен оломонга тарқалишни буюриб, кейин ўзим гарнизон бошлиғи ҳузурига бориб, ундан кўзголовни бостириш учун ҳарбийларни юборишни сўрадим. Тахминан 500 кишилик оломон Скобелев шох кўчаси бўйлаб юрди. Мен эса уларни Гултепа майдонида (ҳозирги вилоят маъмурияти, идоралари жойлашган майдон) учратдим. Халқ эса уруш ҳаражатларини тўлашга рози эканликлари, лекин мардикорликка боришга қарши эканлигини айтди. Мендан одамларни фронтга олмасликларини талаб қилдилар. Акс ҳолда, ҳозир барча элликбоши ва мансабдорларни ўлдиришини айтдилар” [8;36].

Уезд бошлиғининг 1916 йил 27 сентябрда Туркистон райони муҳофаза бўлими бошлиғига йўллаган хатида 9-16 июль кунларидаги Андижон кўзголови тафсилотлари баён қилинган [11;420].

9 июлда Гултепада юз берган кўзголов ва уни ҳарбийлар томонидан шавкатсизларча бостириш чоғида Саидазим Махсудов, Саид Иброҳим Тўраев, Абдуқодир Ҳамроқуловлар ҳалок бўлдилар, оғир яраланган 8 киши (Абдуллажон Холматов, Мулламаксуд қори уста

Нишонбоев, Носир Абдурахмонов, Мамасодик Рўзибоев, Муллагарум Мирзаазизхўжаев, Абдужалил Кодиров, Хожимат Хасанбоев, Усмонжон Мараимовлар шаар касалхонасига тушди. Кўзғолон фаолларидан 14 киши камокка олинди: Абдусаттор Хаким Оксокол, Маматали Абдукаримов, Мамажон мулла Отахонов, Жўра кори Зунунбоев, Тожибой Мухаммаджонов, Ахитам Янгелдиев(татар), Ашурали Исмоилбоев, Акбар Умарбоев, Мулла Абдул Хоналиев, Абдужаббор кори Рўзибоев, Юсупжон Тошпўлатов, Остонакул Юсуфбоев, Соли Алиев, Юсупохун хўжа Мухаммад Шарифхўжаев [12;283-284].

Хуллас, подшо ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатига карши Андижон халки кўзғолон кўтарди. Кўзғолон шавкатсизларча бостирилди. Чор ҳукумати барибир мардикорликка олиш сиёсатини амалга оширди. Андижон уезди бўйича 10600 киши мардикорликка олинди.

Генерал–адъютант Куропаткин 1916 йил 28 августда тасдиқлаган таксимот бўйича Андижон уездининг Ёрбоши волостидан 871, Хакан волостидан 816, Олтинкўл волостидан 498, Баликчи волостидан 908, Жалакудук волостидан 340, Кўргонтепа волостидан 466, Ойим волостидан 656, Корасув волостидан 497, Кўконкишлоқ волостидан 887, Майгир волостидан 427, Избоскан волостидан 284, Андижон шаҳридан 1082 киши фронт ортидаги ишларга сафарбар килиниши кўрсатилган.

Архив ҳужжатларида Андижон шаҳридан фронт ортидаги ишларга олинган мардикорларнинг 1000 кишидан иборат рўйхати, уларнинг исми ва фамилияси, кайси маҳалла, кайси гузарданлиги, ёши, қандай вазифадалиги кўрсатилган. Шунингдек, кайси юзликда, нечанчи эшелондалиги, эшелонларнинг жўнатилиш куни, соати ҳам қайд этилган[12;208-222].

1000 нафар мардикорни 10 та юзликка бўлиб, ҳар бирига юзбоши тайинланган: 1-Уйлуқ юзлигига Мирзараҳим Рўзиматхожиев (31 ёш, Темирчи маҳалласидан), 2-Уйлуқ юзлигига Аҳмаджон Каландарходиев (30 ёш, Сарвонтепа маҳалласидан), 3-Уйлуқ юзлигига Гофиржон Маъруфхожиев (35 ёш, Дургун маҳалласидан), 4-Олайлик даҳаси юзлигига Аҳмадмуҳаммад Тўхтаев (31 ёш, Аҳмадбекхожи маҳалласидан), 5-Олайлик юзлигига Тохиржон Имонкулихожиев (34 ёш, Тўпабой маҳалласидан), 6-Олайлик юзлигига Мулла Аҳмадали Мулламуҳаммад Юнусов (32 ёш, Эски от бозори маҳалласидан), 7-Сой юзлигига Раимбоки Тўлакбоев (40 ёш, Идрискулбек маҳалласидан), 8-Кирлик юзлигига Мулла Мирзоҳид Хайдархожиев (35 ёш, Тўқмоқ маҳалласидан), 9-Сой-Кирлик юзлигига Мулла Мухаммаджон Охунбобоев (41 ёш, Хайдарали маҳалласидан) ва 10-Кирлик юзлигига Тургунхўжа Валихўжаев (27 ёш, Бурги маҳалласидан) юзбоши тайинланганлар. Мазкур ўнта юзбошига Аҳмадбекхожи маҳалласидан 35 ёшли Масодик мулла Орипов раҳбар қилиб белгиланган[12;208-222].

Ўз навбатида юзликларнинг ҳар бири ўнликларга бўлиниб, уларга ўнбошилар тайинланган. Масалан, юзбоши Мирзараҳим Рўзиматхожиевга қуйидаги ўнбошилар қараган: Абдурахим Мадкаримов (30 ёш), Саидумар Курбонхожиев (24 ёш, нонвой), Хўжамберди Исмоилбоев (25 ёш, Мадалиқози маҳалласидан), Курбон Абдуллаев (24 ёш, Қорамулла маҳалласидан), Каландар Қиличбоев (28 ёш, тилмоч), Хожимат Абдурахмонов (30 ёш, Мадраббой маҳалласидан), Олимжон Ёқуббоев (28 ёш, Эски Гўза бозори маҳалласидан), Мелибой Абдукаримов (29 ёш, Жургун кўча маҳалласидан), Худойберди Эгамбердиев (29 ёш, қассоб), Қамол Раззоқбердиев (29 ёш, Қўй бозори маҳалласидан), Назарали Абдуҳолиқов (29 ёш, Мадқосим маҳалласидан), Жумабой Йўлдошбоев (30 ёш, Ёқубали хожи маҳалласидан), Йўлдош Диёрбоев (Эски қаппон маҳалласидан), Алибой Набиражонов (21 ёш, Арқ ичи маҳалласидан), Аҳронқул хожи (имом), Муллабой

Аликулбоев (35 ёш, Арк ичи маҳалласидан).

Мардикорлар 15 сентябрдан 15 октябргача Андижондаги йигув пунктига (ҳозирги Сойдаги пахта заводида) тўплаб, сокчилик назорати қўйилган. Хар бир эшелонда 40 та вагон бўлиб, хар бир вагонга 30 га етиб киши жойлаштирилган. Эшелонда ишчилар жойлашган 33 та вагондан ташкари, 1 та санитар, 1 та изоляция ва 1 та сокчилар вагони, шунингдек, ошхона учун 2 та ва озик-овкат маҳсулотлари учун 2 та вагон ажратилган. Хар бир эшелонга 990—1000 ишчи жойлаштирилган. Андижон шахридан олинган ишчилар 1000 киши бўлиб, уларнинг 2-эшелон билан Андижондан жўнатилиши режалаштирилган.

18 сентябрдан 18 октябргача Туркистондан 30 эшелонда ишчилар олиб кетилади. Эшелонларнинг йўл маршрутлари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, 107а– сонли поезднинг Андижон станциясидан 18 сентябр соат 817 да жилиши, Тошкентга 19 сентябр 1400 да келиши, Тошкентдан ўша куни 109-сонли поездда жўнаши, 24 сентябрда 1439 да Самара губерниясидаги Кинель станциясига етиб келиши ва жойларга таксимланиши белгиланган[12;28-30].

Мардикорлардан 101600 киши Россиянинг Оврўпо қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жойлаштирилади; 10 мингдан ортиқ киши Туркистон ўлкасида ишлатилади[7;290]. Мардикорлар харбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишида, ўрмон ва йирик капиталистларнинг хўжаликларида, каттик назорат остида ишлатилди. Улар очликдан, хўрликдан, машаққатли меҳнатдан мислсиз азиат чекдилар. Қўплари каттик совукдан, турли касалликлардан ўлиб кетдилар, ёки бир умрга ногирон бўлиб қолдилар.

Мардикорларга арзимаган иш хақи тўланган, турар жойлари жуда ҳам хороб бўлган, емишлари ҳам жуда ночор бўлган.

400 километрлик Батуми–Сухуми темир йўли қурилишида 2000 дан зиёд мардикорлар ишлаганлар. Бу иншоотнинг Гудаунти (Мюсери) районида 200, Сухуми районида эса 100 нафар андижонлик бўлиб, улар мислсиз оғир шароитларда меҳнат қилганлар. Биринчи бўлиб Гудаунтидаги андижонлик мардикорлар иш ташлашни бошлаб берганлар. Генерал Янушкевич хабарида бу ишчилар ишга чиқмасликка қатъиян қарор қилганликлари, “бизларга шаҳарда яшаб, завод ва фабрикаларда ишлашни ва уч ойдан кейин ватанимизга қайтиб кетишни ваъда қилганлар”, деб айтганлари қайд этилган. Улар иш ташлаб, иш жойидан ўз хоҳишлари билан кетиб қолганлар. Иш ташлаш кенг тус олади. Иш берувчилардан бири ўзбек ишчилари 30 сентябрдан 17 ноябргача ишга чиқмаганлари оқибатида 2000 сўм зарар кўрганидан нолиб шикоят қилган. Бундай шикоятлар кўплаб бўлган. Кавказ армияси полковниги Давидов иш берувчилар ва маъмуриятни ёқлаб, мардикорлар ишдан қочиб шаҳарларга боришмоқда, бозор ва масжидларда юриб, наркотик ва фахш ишлар билан шугулланишни хоҳлаяптилар, деган тухмат хабарни юқори ташкилотларга йўллаган. Бундай тухматлар кўп бор уюштирилган, оқибатда мардикорлар тазйик-таъқибга учраб турганлар. Сабр-қосалари тўлган мардикорлар курашни давом эттираверганлар.

Маъмурият берган хабарда ишчиларнинг жипслашиб, хар қандай қийноқлар, турмага тикиш ва хатто отиб юборганларида ҳам барибир ишга чиқмасликларини айтганлари қайд этилган. Ишчилар ўзларини Сухумига, Батумига, хатто Россиянинг ички қисмига юборишларини талаб қилганлар. Иш ташлаш йўл қурилишининг жанубий ва шимолий қисмини ҳам қамраб олади: норозилик намоёйишлари ўтказилади, очликлар эълон қилинади. Оқибатда Тифлис ҳукумати Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига

телеграмма йўллаб, иш ташловчиларни тинчлантиришни талаб қилишга мажбур бўлади. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан Андижон Эски шаҳари оксоқоли Рустам Тошматов 1916 йил 29 декабрда Батумига келади. Ўн тўрт кун давомида, 1917 йил 1 январдан 13 январгача, оксоқол извошда иш жойларини айланиб чиқиб, намоишчиларни, иш ташлаганларни хийла-найранг, “Агар Сизлар ишни давом эттирмасаларинг, у холда сизларнинг Андижонда қолган ота-онангиз, кавм-қариндошингиз хибсга олинади, мол-мулки мусодара қилинади” қабилидаги дўқ-пўписалар билан алдашга муваффақ бўлган.

Рустам Тошматов 1917 йил 21 январда Андижонга қайтиб келади. Бу хизмати учун у генерал-губернатор томонидан тақдирланган [2;127-128]. Андижонда чоп этилган “Туркестанский голос” газетаси “Андижон шаҳар ариқ оксоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан хол-ахвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи” номли материалда бу сафарни ёритган. Умуман, 1916 йил 1 июлдан бошлаб газетада мардикор мавзусига катта ўрин ажратилган. Жумладан, “Мардикорлар талаби”, “Ишчи туземецлар йўлда”, “Ишчиларни жўнатишга доир”, “Тузем ишчилар мактублари”, “Ўш эшелонини жўнатиш”, “Жойлардан саломлар”, “Йўлдан. Бизнинг мухбиримиз Абдулла Йўлдошқориевдан”, “Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборилган мактублари”, “Паловни соғинмоқдалар”, “Ишчилар учун кетмонлар”, “Оренбургдан хатлар”, “Ҳарбий суд”, “Ажралиб қолганлар”, “Суд хабарлари”, “Суд залида”, “Рўзи Охун Мухаммад Назарбоевнинг иши бўйича”, “Далварзин иши” қаби номлар билан чоп этилган қатор хабар ва мақолалар мардикор олиш, мардикорлик ҳаёти билан боғлиқ кўплаб муҳим маълумотлар беради.

1917 йил февраль инқилоби монархик тузумни ағдаргач, мамлакатда демократик ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Муваққат ҳукумат раиси А.Ф.Керенский ташаббуси билан фронт орқасидаги мардикорларни ўз юртларига қайтариш ҳақидаги ҳукумат қарори эълон қилинди. Бу қарорни Туркистон мусулмонлари, айниқса, мардикорлар зўр шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Оғир меҳнатдан тинка-мадори қуриб, очарчилик, миллий ва диний қамситилиш азоб-уқубатларини тортган мардикорлар катта ва машаққатли ҳаёт, қураш йўлини босиб ўтдилар. Уларнинг бир қисми бегона юртларда оғир меҳнатдан, изғирин совуқдан, очликдан, қасалликдан ўлиб кетди, айримлари қамокка олинди, баъзилари қочиб қарсон-саргандорликда умр кечирди, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бу қаби шўришларнинг тугаши чинакам байрам қилишга аризулик эди. Мардикорларнинг қандай қайфиятда Андижонга келганлари “Нажот” газетасининг 21 май сониди шундай таърифланган: “Андижон. 11 май куни бу жойдан жўнатилган мардикорлар эсон-омон ўз ватанларига қайтиб келдилар. Сўнгра қувончли қайфият билан улар қўлларида байроқлар ушлаб шаҳарни айланиб чиқдилар.

Савдогарлар бу ҳақда ҳеч нарсани билмасдан жуда ҳам хайрон бўлиб қолишди” [16;149]. Албатта, юртдошларимизнинг мардикорлик даври беиз кетмади: уларнинг дунёқараши, ижтимоий онгида катта ўзгаришлар юз берди, улар энди миллий ўзликни англашга киришган, миллат тақдири, қожеаси, истикболи ҳақида фикрлай бошлаган эдилар. Яъни, улар энди ўзгарган кишилар бўлиб, бу уларнинг кейинги фаолиятига таъсир қилмай қолиши мумкин эмас эди. Бир томондан, 17-йилнинг умумий инқилобий руҳи, иккинчи томондан, ўзга юртларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги қурашлар, иш ташлаш ва намоишлар давомида шаклланган бирлик мардикорларни ижтимоий қучга айлантирган эди. Шўро даври тарихшунослигида юртдошларимизнинг мардикорликдан ўзларига инқилобий руҳни юктириб, “сиёсий онги ўсиб” қайтганларига кўпроқ ургу

берилди. Лекин мардикорлик азобларини бошларидан кечирган минглаб кишиларнинг бари пировардида биргина йўлни – социалистик инкилоб, синфий кураш йўлини танлаганига ишониш кийин. Ва шу ўринда Андижондан мардикорликка олинганларнинг кейинги тақдири қандай кечган, деган савол тугилиши табиийдир. Шу жихатдан ушбу масаланинг махсус ўрганилиши тарихимиздаги “ок доғ”лардан бирини бартараф этишга имкон беради.

Хозирча Андижон шаҳридан мардикорликка олинган 1000 нафар юртдошлардан фақат айримларининггина кейинги тақдири ҳақида маълумотга эгамиз. Бирок шунинг ўзи ҳам уларнинг кейинги тақдири турлича бўлгани, уларнинг турлича йўлларни танлаганини кўрсатади.

Улардан бири рўйхатда 566-рақам билан қайд этилиб, шаҳарнинг Окёр гузаридан мардикорликка сафарбар этилган 31 ёшли Худойберди Корабоевдир. Мардикорликда ўнбоши қилиб тайинланган Х.Корабоев мардикорлик мавзусида ёзилган ва халқимиз орасида машҳур кўшиқ бўлиб кетган “Дўнгалигим” шеърининг муаллифидир:

Поездингни жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнгалаги
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги.
Двинскага кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двинскага кеткизворган
Николай золим замбараги.
Двинскага йўл бўлсин,
Қарагайзоринг қул бўлсин.
Йигитларни қийнаган
Николайинг йўқ бўлсин.

Бизни тўққиз ой ишлатди,
Сизрань деган ўрмонда.
Кетолмаймиз Андижон,
Бир чақа йўқ қармонда.
Сўқ ошингни ичмайман,
Ўтигимни ечмайман.
Қорда қарагай қесганман.
Ҳеч ҳаққимдан қечмайман.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда эълон қилинган айрим тарихий асарларда [7;10,11,14] бу шеърни халқ оғзаки ижоди маҳсули деб, ҳатто, матни бироз ўзгартирилган тарзда берилмоқда. Жумладан, Х.Зиеёвнинг асарида: “Поездингни гилдираги, Ўстахонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди, Мард йигитнинг бир бўлаги” шаклида, “Ватан тарихи” китобида эса: “Поездингни жилдирган, Ўтхонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди, Мард йигитнинг бир бўлаги” деб берилган. Холбуки, ҳозирда пойтахтдаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи залларида янграб туривчи “Дўнгалигим” ашуласининг матни ҳам Х.Корабоев матни билан бир хил:

Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги...

Аслида, шеърнинг муаллифи Х.Корабоев дейишга асос етарли. Чунки халк оғзаки ижоди намуналари ҳам алоҳида кишилар, халкнинг истеъдодли вакиллари томонидан яратилади, кейин халк ичида оғиздан оғизга ўтиб юради. Х.Корабоевда шоирлик икtidори бўлгани шубҳасиз: унинг кариндоши Одилжон Эгамбердиевнинг сайъ-ҳаракати билан 1980 йилда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Худойберди шоирнинг “Мен кушимни гозга солсам” номли шеърини тўплами чоп этилган. Бу эса Х.Корабоевда чиндан ҳам шоирлик истеъдоди бўлганидан, унинг шеър муаллифи бўлиш эҳтимоли кўп эканлигидан далолат беради. Албатта, хали бу бахсли масалани узил-кесил, хужжатли асосда хал қилиш вазифаси олдинда турибди, насиб қилса буни уддалармиз ҳам. Шунга қарамай, шеър айнан андижонлик мардикор тилидан айтилгани ҳақиқатга қўпроқ яқиндир. Бирок ҳозир мақсадимиз бошқа – шоирнинг кейинги тақдири. Мардикорликдан қайтган Худойберди Корабоев ижтимоий ҳаётда фаол бўлган, шеър ва газаллар ёзиб турган; минглаб алданганлар қатори, совет ҳокимиятига ишониб, уни истиклолчилардан ҳимоя қилишга уринган ва 1919 йилда ўзи тугилиб ўсган Окёр қишлоғида бўлган истиклолчилар билан тўқнашувда ҳалок бўлган.

Андижон шаҳридан сафарбар қилинган минг нафар мардикорнинг мингбоҳиси Мулла Содик Мулла Орипов жаҳидчилик йўлидан бориб, Андижоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ибратли ишлар қилганлиги маълум бўлди. Архив ҳужжатларига мурожаат қиламиз.

1917 йил 14 июнда Андижон эски шаҳардаги Олимжон хожи заводида ҳаракатдаги армиядаги мардикорчиликдан қайтиб келган мусулмон ишчилардан 900 га яқин киши қатнашган митинг бўлди. Унда жамоат ҳавфсизлик қўмитети раиси Сумароков, милиция бошлиғи Ситин ва айрим ташкилотлар вакиллари қатнашади. Йигин бир овоздан 15 кишидан иборат мусулмон ишчи депутатлари қўмитаси сайлайди. Унинг таркибига мусулмонлардан 13 киши ва европалар–руслардан 2 киши қиради.

15 июнда мусулмон ишчи депутатлари Қўмитасининг йиғилиши бўлиб, унда Масодик Мулла Орипов Қўмитасининг раиси, Акбарали Ўразалиев ва Султонбек Тўхтабеков раис ўринбосарлари, Мулла Абдурахмон Алимқулов қотиб ва Муҳаммаджон Тожибоев қилиб ўрдамчи қилиб сайланди [16;149].

1918 йилдан КПСС аъзоси Мухтор Олимов ўз хотираларида Андижондаги сиёсий воқеалар жараёнига тўхталиб, Содикжон Орипов ҳақида қўмитаси ва мафқурасидан қилиб қилиб ноҳақ салбий фикр билдирган. Жумладан, у Содикжон Ориповнинг маҳаллий аҳолини, зиёлиларни Совет ҳокимиятига яқинлаштирамаслиқ, унга қарши қўмитаси тугдириш билан машғул бўлгани, Андижонда ташкил топган “Турон” ташкилотининг раҳбарларидан бири, мусулмон депутатлари қўмитасининг раиси бўлганини қайд қилади. Уни Қўмитасининг хизматчиси бўлганликда айблаб, большевиклар Орипов ва унинг гуруҳи қўмитасига, уларнинг эски шаҳар ташкилотига қарши турли шаклда қўмитаси олиб қўмитасини ҳам эслатиб ўтади [17;143]. Мардикорчиликни азоб-қўбатини бошидан қўмитасириб, Андижонга қайтиб қилиб она шаҳрида истиклол учун қўмитаси олиб қўмитаси бир қўмитасида Содикжон Орипов 37 ёшида большевиклар қўмитасида ҳалок бўлади.

Мардикорликка олинганларнинг яқинлари ҳам баъзан арзимаган, кулгили сабаблар билан катагон қилинган. Атиги бир мисол келтирамиз. Мастура Хусанбоева 1939 йил 24 сентябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигига эрини ноҳадан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганига норозилик билдириб ёзган аризасида Андижондаги 1916 йил воқеаларидан мана буларни ёзган эди:

“1916 йили Андижон шаҳрида чор ҳукумати ўзбеклардан фронт орқасидаги ишларга, мардикорликка сафарбар қилди. Хар хонадондан биттадан мардикор олинди белгиланди.

Бу сафарбарликка бизнинг оиламиздан эримнинг туғишган укаси Абдурасул Хусанбоев ҳам тортилган эди. Чунки камбағал оиламиз бошқа бир кишини ёллаб мардикорликка юборишга қодир эмасди. Ваҳоланки, бой ва ўзига тўқ оилалар бундай ишларни қилаётган эдилар. Мардикорларни фронтга кузатиб қўйиш маросими қучайтирилган соқчилик билан подшоҳ байроғи остида юз берганди ва бу ҳолат расмга олинган эди.

Ўз укасини кузатиб қўйишга чиққан эрим Хусанбоев бошқа кузатувчилар оммаси орасида турган чоғида расм олинган...

Хусанбоевнинг душманлари бу суратни ўша даврдаги ватанпарварлик намоёишини акс эттирувчи деб билишган ...

Мана, энди шу сурат ва эримнинг мардикорларни кузатишдаги иштироки уни айблаб, 10 йил камок жазосига тортилишга асос бўлган айбларнинг бош нуктаси бўлиб турибди” [18;83-84].

Қўриниб турибдики, Андижонга қайтиб келган мардикорларнинг кейинги тақдири турлича бўлган: айримлари большевиклар сафида совет тузуми учун курашган, бошқа бир қисми советларга қарши олиб борилган миллий озодлик урушларида қатнашган ва шу муқаддас урушда ҳалок бўлган. Миллий озодлик уруши тегирмонидан омон қолганларнинг бир қисми ер-сув ислохоти, коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш давларида, бошқа бир қисми 1937-1938 йиллардаги “Қатта террор”да катагон тигида ўраганлар. Яъни, улар на чор ҳукумати, на совет ҳукумати даврида қулоқлик қўрди, аксинча, хар икки тузумдан қабру қайи тортди. Шу боис мардикорларнинг кейинги тақдири, қисматини ўрганиш, умумлаштириш Андижон фарзандларининг чор Россияси ва совет мустанлақчилиги давридаги халқ манфаати йўлида, мустанқлик учун қавқулодда оғир шароитда кураш олиб борганликларини аниқлаш ва муносиб қадрлашга имкон беради.

Тарихий адабиётларда Фарғона вилоятидан, жумладан Андижондан юборилган мардикорлар Ўш, Қавқаз, Батуми, Витебск, Қоллона, Чернопи́ль, Чернови́ц, Киев, Дубно ва бошқа жойларда ишлашга мажбур қилинганлиги қайд қилинган [19;175].

Архив ҳужжатларида Андижондан юборилган мардикорлар Руминия ҳудудларида ҳам меҳнат қилганликлари ўз аксини топган. Бу ўринда қуйидаги ҳужжатни келтириш ўринлидир: “АНДИЖОН УЕЗДИ БОШЛИГИ ЖАНОБЛАРИГА”

Андижон шаҳар Тупроқхона

маҳалласида яшовчи

Маҳмудбой Мусабоевдан

А Р И З А

Мен Андижон шаҳридан фронт ортидаги ишларга ишчи сифатида ҳаракатдаги армияга қақирилганман, Рубин фронтида турганман, ишдалигим вақтида менга баҳоси 33 сўмлик бир жуфт этик берилган ва у пуллар мендан тўласинча олинган, ҳозирги вақтда менга маълум бўлдики мендан этик учун 14 сўм миқдорида ортиги билан олинган, менга

тегишли бу пул Андижонга юборилган.

Шунинг учун Сиз жаноб бошликдан менга кайтарилган пулни каердан олишим мумкинлигини маълум қилишингизни ўтиниб сўрайман. Фронт ортидаги ишларда мен 428 –сонли ишчи ҳисобланганман.

26 июл 1917 йил [20;53]

Ушбу ҳужжатдан маълум бўладики, Андижон шаҳридаги Тупрокхона маҳалласидан мардикорликка олинган 31 ёшдаги Махмудбой Мусабоев билан унинг маҳалладошлари 42 ёшдаги Ахмадохун Худойбердиев, 22 ёшдаги Ашурбек Турдибоев, 37 ёшдаги Отабой Тиллабоев, 32 ёшдаги Махмуд Абдуллаев, 31 ёшдаги Каримбой Салимбоев (ўнбоши), 23 ёшдаги Хожибой Ниёзбоев, 21 ёшдаги Тошпўлат Йўлдошбоевлар ҳам ана шу Руминия ҳудудидан мудофаа ишларида меҳнат қилганлар [21;214]. Шу Тупрокхона маҳалласидан 22 ёшдаги Мамат Болтабоев, 32 ёшдаги Хамракул Мамаризаев, 24 ёшдаги Саримсок Охунбоев, 31 ёшдаги Обобакир Содикбоев, 25 ёшдаги Мирсаид Хайитбоев (ўнбоши), 25 ёшдаги Тожибой уста Рўзиев, 22 ёшдаги Собир Маткаримов, 23 ёшдаги Холдарбой Алибоевлар ҳам Руминия fronti ҳудудида мудофаа иншоатларини қуришда оғир меҳнат қилганлар. Бу инсонларнинг ҳам тақдири ва қисмати ҳақидаги маълумотлар излаш, топиш келгуси вазифалардандир.

Хуллас, 1916 йилги кўзғолон ва мардикор олди воқеаси билан боғлиқ юқоридаги каби қизиқарли тарихий лавхалар талайгина. Уларни жамлаб, умумлаштириб, алоҳида тадқиқот яратиш, маъмур тарихий воқеани бугунги кун нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш зарурати аллақачон етилгандир.

Адабиётлар:

1. Андижоннома.- 2007.- 13 декабрь
2. Ковалев П.А. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны.- Т.: Госиздат, 1957
3. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и её проявление в Туркестане.- Т.,1971
4. Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ кўзғолони .- Т.: Ўзбекистон, 1966
5. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати.- Т.: Адабиёт ва санъат, 2000
6. Чориев З.У. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмининг қучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида): Тарих фанлари док.... дисс.- Т.,1999
7. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи.- Т.: Шарқ, 2001
8. Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари.- Т., 2003
10. Шамсутдинов Р, Каримов Ш, Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи (XVI-XX аср бошлари). II қ.-Т.: Шарқ, 2003
11. Ўзбекистон янги тарихи. I қ. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000
12. ЎЗРМДА. И. 25-фонд, 1-рўйхат,185-иш 283-284-вараклар.
13. Зиёев Х. Тўфон // Шарқ юлдузи.- 1992.- № 3
14. Каримов Ш, Шамсутдинов Р. Туркистон чор Русиёси босқини даврида.- Андижон, 1995
15. Худойберди шоир. Мен қушимни гозга солсам. Шеърлар.- Т, Адабиёт ва санъат, 1980
16. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. Сб. документов.- Т.: Изд-во АН

УзССР, 1963

17. Мухтор Олимовнинг эсдалигидан: Воспоминание участников гражданской войны в Андижанской области. Выпуск 1.- Андижан 1957

18. Шамсутдинов Рустамбек. Истиклол йўлида шахид кетганлар.- Т.: Шарк, 2001

19. Исмоилова Жаннат. Фаргона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил кўзголови мисолида), Гофур Гулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. Т. 2003, 175-бет.

20. АВДА, 76- фонд, 1- рўйхат, 1- иш, 53 – варақ

21. ЎзРМДА, И-25- фонд, 1- рўйхат, 185 –иш, 214 –варақ

Р.Т. Шамсутдинов, К.Бозоров